



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 1 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 1

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2026

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№1 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-1>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodillojon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)

**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

**1. Kutpiddinov Xusniddin Muxiddinovich**

ETIM BOLALAR VA OTA-ONA QARAMOG‘IDAN MAHRUM BO‘LGAN BOLALARNI JOYLASHTIRISH SHAKLLARINING HUQUQIY VA INSTITUTSIONAL ASOSLARI.....5

**2. Авлиякулова Матлуба Авазовна**

КОРПОРАТИВ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ.....13

**3. Раҳимкулова Лола Улуғмуродовна**

ИШ ТАШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ. ҚОНУНЧИЛИҚДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН КАФОЛАТЛАР.....21

**4. Karimova Nigina Botirjon qizi**

YO‘QOLIB KETISH XAVFI OSTIDAGI YOYVOYI FAUNA VA FLORA TURLARINI MUHOFAZA QILISHDA VASHINGTON (CITES) KONVENSIYASINING HUQUQIY ANAMIYATI.....28

**5. Xakberdiyev Nurali Salaxiddinovich**

ICHKI ISHLAR ORGANLARI XODIMLARINING PROFESSIONAL FAOLIYATINI BELGILOVCHI OMILLAR.....35

**6. Turayev Jo‘rabek Shonazarovich**

JORIY SHAROITLARDA ICHKI ISHLAR ORGANLARINING JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA‘MINLASH FAOLIYATINING ILMIIY-NAZARIY TAVSIFI.....43

**7. Hojiyev Nosirjon Komilovich**

YO‘L HARAKATI VA TRANSPORT VOSITALARIDAN FOYDALANISH QOIDALARINI BUZGANLIK UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNI TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOLARI.....50

**8. Рузиев Маъруфжон Муртазаевич**

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИНОИЙ ЖАЗОЛАРНИНГ ЛИБЕРАЛЛАШУВИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....58

**9. Orakbayev Erpolat Temirbay ugli**

TERGOV SUDYASI INSTITUTI: SHAKLLANISH TARIXI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....65

**10. Husanboev Sardor Abdukarimovich**


YOSHLAR O‘RTASIDA EKSTREMISTIK TAHDIDLARNING PROFILAKTIK CHORATADBIRLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI.....72

**11. Xolmirzayev Muhsinbek Shavqiddin o‘g‘li**

KRIMINOLOGIK SIGNAL TIZIMI (REAL-TIME ALERTS): SUN‘IY INTELLEKT ASOSIDA JINOYAT XAVFINI OLDINDAN ANIQLASH VA PROFILAKTIKA QILISH MODELII.....82

**12. Курбонов Давлат Равшанович**


ШАХС ОЗОДЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙ-БИОЛОГИК ТАВСИФИ.....87



**Курбанов Давлат Равшанович,**  
Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети  
Юридик факультети “Жиноят ҳуқуқий фанлар” кафедраси мудири,  
юридик фанлари номзоди, доцент  
E-mail: davlatkurbonov73@gmail.com

## ШАХС ОЗОДЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ-БИОЛОГИК ТАВСИФИ

**For citation:** Kurbanov Davlat Ravshanovich. SOCIO-BIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF A PERSON WHO HAS COMMITTED A CRIME AGAINST PERSONAL FREEDOM. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 1.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18509382>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада шахс озодлигига қарши жиноятларни содир этган шахснинг ижтимоий-биологик хусусиятлари комплекс тарзда таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида жиноят содир этувчиларнинг ёши, жинси, таълим даражаси, ижтимоий мақоми, оилавий аҳволи, шунингдек, психологик ва биологик омилларнинг жинойий хулқ-атвор шаклланишидаги ўрни ўрганилган. Шу билан бирга, мазкур турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир этувчи ижтимоий муҳит омиллари ҳам кўриб чиқилган. Таҳлил натижалари шахс озодлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишда амалий аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Шахс, озодлик, жиноят, шахс озодлигига қарши жиноятлар, одам савдоси, жиноятчи шахси, ижтимоий-биологик тавсиф, жинойий хулқ-атвор, тадбиркорлик, жабрланувчилар, криминологик тавсифи, криминология, профилактика, жиноят сабаблари.

**Курбанов Давлат Равшанович,**  
Заведующий кафедрой «Уголовно-правовые дисциплины»  
юридического факультета, Самаркандский государственный  
университет имени Ш. Рашидова  
кандидат юридических наук, доцент  
Электронный адрес: davlatkurbonov73@gmail.com

## СОЦИАЛЬНО-БИОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЛИЦА, СОВЕРШИВШЕГО ПРЕСТУПЛЕНИЕ ПРОТИВ СВОБОДЫ ЛИЧНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье комплексно анализируются социально-биологические характеристики лиц, совершивших преступления против свободы личности. В рамках исследования изучены такие показатели преступников, как возраст, пол, уровень образования, социальный статус,

семейное положение, а также роль психологических и биологических факторов в формировании преступного поведения. Наряду с этим рассматриваются причины возникновения преступлений данного вида и социальные факторы среды, оказывающие на них влияние. Результаты проведённого анализа имеют практическое значение для предупреждения преступлений против свободы личности, совершенствования профилактических мер и повышения эффективности деятельности правоохранительных органов.

**Ключевые слова:** личность, свобода, преступление, преступления против свободы личности, торговля людьми, личность преступника, социально-биологическая характеристика, преступное поведение, предпринимательство, потерпевшие, криминологическая характеристика, криминология, профилактика, причины преступности.

**Kurbanov Davlat Ravshanovich,**

Head of the Department of “Criminal Law Disciplines” of Faculty of Law,  
Samarkand State University named after Sh. Rashidov  
Candidate of Legal Sciences, Associate Professor,  
E-mail: davlatkurbonov73@gmail.com

## SOCIO-BIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF A PERSON WHO HAS COMMITTED A CRIME AGAINST PERSONAL FREEDOM

### ANNOTATION

This article provides a comprehensive analysis of the socio-biological characteristics of persons who have committed crimes against personal freedom. The study examines such indicators of offenders as age, gender, level of education, social status, and marital status, as well as the role of psychological and biological factors in the formation of criminal behavior. In addition, the causes of crimes of this type and the social environmental factors influencing them are considered. The results of the analysis are of practical significance for the prevention of crimes against personal freedom, the improvement of preventive measures, and the enhancement of the effectiveness of law enforcement agencies.

**Keywords:** personality, freedom, crime, crimes against personal freedom, human trafficking, offender’s personality, socio-biological characteristics, criminal behavior, entrepreneurship, victims, criminological characteristics, criminology, prevention, causes of crime.

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Аҳоли миграцияси, шу жумладан, мамлакат ташқарисида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадидаги миграция жаҳон кўламидаги воқелик бўлиб, ўзининг кўпгина ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Республикада замонавий шароитда жиноятчиликни олдини олишда виктимликни пасайтириш чораларини фаоллаштириш муаммолари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари жамиятда тобора кучайиб бораётган ва асосли ташвиш туғдираётган жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда мамлакат жинойи судлов органлар функционал самарадорлигини оширишни назарда тутувчи глобал, кенг кўламли вазифаларни ҳал этиш билан узвий боғлиқдир.

Ҳозирда айнан ушбу профилактик фаолиятга эҳтиёж ортиб бормоқда. Виктимологик профилактиканинг устуворлиги шундаки, жиноятчиликка қарши курашда, жамоат ва давлат ҳаётини издан чиқарадиган асосий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омилларни бартараф этишни талаб қиладиган умумий ижтимоий чора-тадбирларидан фарқли ўларок, бу йўналиш жиддий куч-қувват ва вақт харажатларни талаб қилмайди. Шу билан бирга, у энг истикболли ва инсонпарвардир, чунки у психологик жиҳатдан барча шахсларга хос бўлган ўзини ўзи сақлаш истагига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида ҳар бир инсонга эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминланиши белгиланган. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ҳар бир инсон туғилиши билан эга бўладиган, ҳар кимнинг эркин, ўз ихтиёри билан

ҳаракат қилиши, ўзганинг шахсий эркинлиги ва дахлсизлигига зиён етмайдиган тарзда юриш-туришни танлаш ҳуқуқидир.

Дарҳақиқат, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири саналади. Ушбу нормани Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида ҳам кўришимиз мумкин. Унга кўра, “ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир”. Мазкур Декларациянинг 9-моддасида эса, ҳеч ким асосиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас[1, Б.202].лиги таъкидланган.

Бундан ташқари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 9-моддаси 1-қисмида ҳам ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши, қонун билан белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас[2, Б.252].лиги қатъий тартибда белгиланган.

Шахс озодлигининг ҳуқуқий тушунчаси, инсон эркинлигига турли тажовузларнинг ғайриқонуний, деб эътироф этилишига оид қонун нормалари аста-секин, босқичма-босқич ривожланган. Конституциявий ҳуқуқда шахс эркинлиги асосан унинг айрим кўринишлари инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари тизимидан ўрин олганлиги муносабати билан тадқиқ этилган[3, Б.26].

Жиноят қонунчилигида шахснинг озодлигига тажовуз қилиш яқин вақтгача жуда тор – бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриш эркинлигини чеклаш сифатида талқин қилинган ва шахснинг эркинлигига уни озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган тажовуз сифатида, шахснинг озодлигига қарши жиноят сифатида қаралмаган. Бу инсон ҳуқуқларига доир асосий халқаро ҳужжатларга зид бўлган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига мувофиқ, қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақлаш шахснинг озодлигига қарши асосий жиноят деб эътироф этилади (4-модда). 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактда фуқаролик ва сиёсий эркинликни чеклаш озодликдан маҳрум қилиш билан бир қаторда инсоннинг шахсий озодлигига тажовуз сифатида қаралади[4, Б.38].

Шахснинг дахлсизлиги тушунчаси ҳақида тўхталганда, авваламбор, унинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий дахлсизлик, жисмоний дахлсизлик, маънавий дахлсизлик, руҳий дахлсизлик, шахсий маълумотларга оид дахлсизлик, мулкӣ дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги, мансаб дахлсизлиги, сиёсий фаолият дахлсизлиги каби бир неча турларга ажратилишини[5, Б.5]. келтириб ўтиш жоиз. Шахсий дахлсизлик инсонни асосиз ва қонунда белгиланмаган тартибда ҳибсга олиш, жиноятни очиш мақсадида унга нисбатан жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатиш, ғайриқонуний судлаш мумкин эмаслигини ифодалайди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 5-моддасига мувофиқ, ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш учун асос бўладиган ҳолатлар қуйидагилардан иборатдир:

- жиноят содир этганлик учун жазога тортилган шахсларнинг озодликдан маҳрум этилиши;
- жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг қочиб кетиши ёки далиллар йўқолиши ёхуд қайтадан жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида ушлаб туриш;
- фуқаролик ишларида гувоҳнинг судда иштирок этиши ёки оталикни тасдиқлаш бўйича текширувлар ўтказилишини таъминлаш мақсадида ушлаб туриш;
- бошқа давлат фуқароларини иммиграция, бошпана бериш, мамлакатдан чиқариб юбориш ёки экстрадиция билан боғлиқ ҳолатларда ҳисобга олиш;
- вояга етмаган шахсларни маърифий назорат қилиш мақсадида ушлаб туриш;
- руҳий хасталикка чалинган шахсларни психиатрия шифохоналарида сақлаш;
- юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш мақсадида касалликка чалинган шахсларни карантинда сақлаш;
- спиртли ичимликлар ичиш ёки наркотик моддалар қабул қилишга муккасидан кетган шахслар ва дайдиларни ушлаб туриш[1, Б.121].

Шахснинг эркинлиги, дахлсизлигини бузиш доим ҳам шахснинг озодлигига тажовуз ҳисобланавермайди, аммо шу билан бир вақтда, шахснинг озодлигига тажовуз қилиш ҳар доим шахснинг эркинлиги ва дахлсизлиги бузилишига олиб келади. Бундан шахснинг озодлиги кенгрок тушунча, деган хулосага келиш мумкин. Шахснинг озодлиги амалда турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Бу, энг аввало, жисмоний озодлик (яъни ҳаракатларнинг эркинлиги, шу жумладан бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриш эркинлиги, ғайриқонуний қамоққа олишлар ва ҳибс этишлардан эркинлик); маънавий озодлик (яъни фикрлаш, виждон, диний эътиқод эркинлиги); ижтимоий озодлик (мулоқот тилини, миллий мансубликни танлаш эркинлиги маъносида). Шахснинг дахлсизлиги масаласига келсак, ҳуқуқ фанида мазкур категория, одатда, кенг ёки тор талқин қилиш нуқтаи назаридан тавсифланади. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, кенг талқин қилиш тарафдорларининг принципиал нуқтаи назарларида тафовутлар мавжуд. Айримлар унга жисмоний дахлсизликдан ташқари инсоннинг шахсий ҳаёти соҳасини тавсифловчи элементларнинг деярли барчасини киритадилар. Буни улар турар жой, шахсий ва оилавий сир, ёзишмалар сири ва фуқаролар шахсий ҳаётининг бошқа атрибутлари дахлсизлиги бузилганда, зарар етказиш объекти инсон яшайдиган жой, хатлар, телеграммалар эмас, балки ўзига хос қарашлар, қадриятлар ва манфаатларга эга бўлган шахснинг ўзи ҳисобланиши билан асослашга ҳаракат қиладилар. Шахсий дахлсизлик тушунчасининг мазкур талқинига зид ўлароқ, бошқа, шу жумладан биз ҳам қўллаб-қувватлайдиган нуқтаи назар мавжуд: “...шахсий дахлсизликка шахснинг мавжудлиги шароитлари билан эмас, балки шахс мавжудлигининг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлган объектларгина киритилиши лозим. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, инсоннинг жисмоний ҳолати, чунончи: унинг ҳаёти, соғлиғи, жисмоний яхлитлиги (жисмоний дахлсизлиги), ўз-ўзидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, ўзи истиқомат қиладиган жойни ва касб-корни танлаш имконияти (индивидуал эркинлик дахлсизлиги) шаън, қадр-қиммат, маънавий эркинлик (маънавий дахлсизлик) шахсий дахлсизлик объектлари ҳисобланади”[7, Б.15].

Шахснинг озодлиги – бу эркинлик ва шахсий дахлсизликни ўз ичига олувчи комплекс тушунча бўлиб, инсоннинг ўз хоҳиш ва эҳтиёжларига мувофиқ жамият томонидан бериладиган имкониятлар ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда фаол ҳаракат қилиш, ўз жисмоний ва руҳий дахлсизлигига қилинган ҳар қандай қонунга ҳилоф тажовузлардан ҳимояланиш имкониятидир.

Қонунда шахснинг озодлиги давлат органлари томонидан чекланиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилган. Булар суднинг қарорига биноан қонунда белгиланган тартибда қўлланиладиган жиноий жазо, турли жиноят-процессуал мажбурлов чоралари, психиатрия стационарига мажбурий жойлаштириш, маъмурий тартибда ушлаб туришдир. Ўзбекистон Республикаси ЖК 35-41-моддаларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилганда, шахснинг озодликдан маҳрум қилиниши жиноят ҳисобланмайди. Шахсни бошқача йўл билан ҳар қандай ушлаш озодликни ғайриқонуний чеклаш ҳисобланади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, шахсий озодликка қарши жиноятлар қонунда белгиланган тартибда озодлиги чекланган (озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган, қамоққа олинган, ушлаб турилган) шахсларга нисбатан ҳам содир этилиши мумкин.

Шахс озодлигига қарши жиноят содир этган барча шахслар орасида эркаклар фоизи бу қадар кўплигини шу билан изоҳлаш мумкинки, биринчидан, умуман олганда, эркаклар аёлларга қараганда кўп жиноят содир этадилар. Иккинчидан, ушбу соҳада эркаклар жиноятчилиги улушининг катталиги, бизнингча, шу билан белгиладикки, шахс озодлигига қарши жиноятларнинг аксариятини кўпинча жабрланувчининг қаршилиқ кўрсатишга бўлган иродасини сўндириш мақсадида жисмоний куч ишлатишни (айниқса жиноятнинг дастлабки босқичида) талаб этадиган одам ўғрилаш (ЖК 137-моддаси) ва зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 138-моддаси) ҳосил қилади. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, айрим тадқиқотларнинг маълумотларига кўра, ушбу тоифадаги жиноятларнинг қарийб юз фоизи эркак жинсига мансуб шахслар томонидан содир этилади. Масалан, статистика маълумотларига кўра, аксарият жиноятчилар эркаклар бўлиб, жиноят содир этган

аёллар тахминан 15,5 фоизни ҳосил қилсалар, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш содир этган жиноятчиларнинг ҳаммаси (100 фоизи) эркак жинсига мансуб шахслар бўлганлар [8, Б.17].

Шахс озодлигига қарши жиноят содир этишда аёл иштирок этган ҳолларда, унинг роли кўпинча ёрдамчиликдан (масалан, бўлғуси жабрланувчининг жиноятчилар билан учрашувини таъминлашдан, жабрланувчини тутқунликда сақлаш учун жой беришдан) иборат бўлган. Камдан-кам ҳолларда аёллар шахс озодлигига қарши жиноятларнинг бажарувчиларидан бири бўлганлар. Шахс озодлигига қарши жиноятларга доир ишларни ўрганиш жараёнида биз аёл жиноятнинг асосий бажарувчиси ёки ташкилотчиси сифатида амал қилган биронта ҳам ишга дуч келмадик. Шунга қарамай, жиноят ишлари бўйича тергов амалиётида шахс озодлигига қарши жиноят фақат аёл томонидан содир этилган ҳоллар учрайди. Масалан, Д.Г. Баусков қайд этишича, одам ўғрилашнинг бир қатор турларида жиноятнинг асосий субъекти сифатида аёл амал қилади. Буни қисман аёл ўз болаларини ўғирлаган ҳолларда аёл зотининг биологик ва психологик хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Мазкур ҳолатда ижтимоий деградациянинг муайян поғонасига тушиб қолган аёл ушбу вазиятдан (масалан, ёлғизлик, рухий мувозанатнинг йўқолиши) чиқиш чоралари йўқлигини англаган ҳолда, бола ўғрилашга қўл уради [8, Б. 17].

Шахс озодлигига қарши жиноятлар камдан-кам ҳолларда 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган. Биз ўрганиб чиққан жиноят ишларининг биронтасида ҳам вояга етмаган шахснинг иштироки аниқланмади. Шунга ўхшаш натижаларни Д.Н. Дмитриев ҳам келтиради [10.Б.30]. Е.В. Никулина маълумотларига кўра, одам ўғирлаш содир этган шахслар орасида вояга етмаганлар улуши 3 фоиздан ошмайди [8, Б.18].

Шахс озодлигига қарши жиной қилмишлар содир этувчи жиноятчиларнинг асосий контингентини фаол меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар ҳосил қиладилар. Аини ҳолда ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг энг катта улушини 20-30 ёшлилар ҳосил қиладилар – 42,4%. 30-40 ёшли жиноятчилар улуши ҳам анча катта – 31,6%. Шундай қилиб, шахс озодлигига қарши жиноятларнинг аксарияти (74,0 фоизи) 20-40 ёшдаги шахслар томонидан содир этилган.

Қолган ёш гуруҳларига мансуб шахслар улуши қуйидагича тақсимланади:

- 18 ёшдан 20 ёшгача – 9,2%;
- 40 ёшдан 50 ёшгача – 12,4%;
- 50 ёшдан катталар – 4,3%.

Шундай қилиб, биологик тавсиф нуқтаи назаридан олиб қараганда, шахс озодлигига қарши жиноятларни 20-40 яшар эркаклар содир этган. Бизнинг назаримизда, мазкур ҳолатни шу билан изоҳлаш мумкинки, кўриб чиқиладиган турдаги жиноятларни содир этиш вақтида жисмоний куч ишлатиш талаб этилиши мумкин, бунда кучга эга айнан фаол ёшдаги эркак эга бўлади ва ундан айниқса самарали фойдалана олади.

Шахс озодлигига қарши жиноятлар жиноятчи шахсининг криминологик хусусиятлари таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, ушбу тоифадаги жиной қилмишларга қўл урадиган шахсларга зўрлик ишлатиб жиноят содир этадиган жиноятчи шахсининг ва тамагирлик ниятларида жиноят содир этадиган жиноятчи шахсининг аралаш хусусиятлари хосдир. Бу унинг ақл-идрокида ва руҳиятида намоён бўлади.

Ақлий ривожланиш даражасига кўра жиноятчиларнинг кўриб чиқиладиган тоифаси зўрлик ишлатиб жиноят содир этадиган жиноятчиларга қараганда юксак, иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятчиларга қараганда эса паст мавқега эга бўладилар. Бу шунда намоён бўладики, шахс озодлигига қарши жиноят содир этган шахслар зўрлик ишлатиб жиноят содир этадиган шахслар билан таққослаганда маълумот даражасининг юқорилиги билан, иқтисодий жиноятлар содир этган шахслар билан таққослаганда эса – маълумот даражасининг пастлиги билан тавсифланади.

Шахс озодлигига қарши жиноятлар субъектининг руҳияти зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларга ҳам, иқтисодий жиноятлар содир этган шахсларга ҳам хос бўлган хусусиятлар мавжудлиги билан тавсифланади. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этадиган

шахслар қатори, шахс озодлигига қарши жиноятларнинг субъектларига ҳам баъзан эгоцентризмга ўтадиган эгоизм, ҳамдардлик ҳиссининг йўқлиги, бошқа шахсларга нисбатан раҳмсизлик сингари хусусиятлар ҳосилдир. Шу билан бир вақтда, кўриб чиқиладиган тоифадаги жиноятчилар иқтисодий жиноятлар содир этган шахслар хос бўлган пул ва моддий бойликлар тўплашга ўчлик, очкўзлик, юлғичлик сингари хусусиятлар билан ажралиб турадилар.

Жиноят ишларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, шахс озодлигига қарши жиноятлардан кўпинча балоғат ёшидан ўтган эркаклар жабрланадилар – 75,9%. Ушбу тоифадаги жиноятлардан жабрланганлар орасида аёллар улуши 17,2% ни, вояга етмаганлар улуши эса – 6,9% ни ҳосил қилади.

Шахс озодлигига қарши жиноятларга доир ишлар бўйича жабрланганлар орасида эркаклар улушининг катталиги шу билан изоҳланадики, эркаклар, одатда, мазкур жиноятларни содир этадиган шахсларнинг жинойий қасди қаратилган маблағларга кўп миқдорда эга бўладилар. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар орасида эркаклар улуши аёллар улушига қараганда анча катта, худди шунингдек, кўчмас мулк эгалари орасида ҳам эркаклар улуши кўпроқ. Буларнинг барчаси шунга олиб келадики, жинойий унсурлар диққат майдонига эркаклар аёлларга қараганда кўпроқ тушадилар.

Аммо, шахс озодлигига қарши жиноятлардан бири – одам савдосини оладиган бўлсак, бу ерда жабрланувчилар орасида аёллар улуши анча кўп эканлигини кўрамиз ва ушбу ҳолат аёлларни улардан кейинчалик сексуал мақсадларда фойдаланиш учун қонунга ҳилоф равишда чет элга олиб чиқиб кетиш кенг тарқалгани билан боғлиқ [6, Б.70].

Одам савдосидан жабрланган аёллар тоифаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади. Уларнинг аксарияти – 25 ёшга тўлмаган қизлар ва аёллар. Қасбий ҳолат мезонига кўра, чет элга кейинчалик сексуал мақсадларда фойдаланиш учун олиб чиқиб кетилган аёллар орасида кўпчиликни ишламайдиган аёллар (41%), ўқувчилар (20%) ва хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар (23%) ҳосил қиладилар. Улар, одатда, оилада моддий ва ижтимоий муаммоларга эга бўлганлар. Хусусан, чет элга чиқиб кетган аёлларнинг 37 фоизи бир ойда 100 АҚШ долларидан ошмайдиган миқдорда, 36 фоизи эса – 150 АҚШ долларигача миқдорда даромад олганлар. Қизлар ва аёлларнинг 38 фоизи беқарор оилалардан, 20 фоизи – тўлиқ бўлмаган беқарор оилалардан чиққанлар, 18 фоизи эса – қариндошларининг оилаларида ёки интернатларда тарбияланганлар. Жабрланганларнинг аксарияти – 57 фоизи ўрта ёки ўрта махсус маълумот, 25 фоизи – тугалланмаган ўрта маълумот, 18 фоизи – олий маълумот олганлар. Улар иш тажрибасига деярли эга бўлмаганлар ёки махсус малака талаб қилмайдиган ихтисосликлар бўйича ишлаганлар [9, Б.70-72].

Умуман олганда, одам савдосидан потенциал жабрланувчи – бу беқарор оиладан чиққан, болаликда оилада жисмоний зўрликка дучор бўлган, турмушга чиқмаган ва (ёки) бир нафар фарзандга эга бўлган, шаҳарда яшайдиган, ўрта ёки ўрта махсус маълумот олган, ишламайдиган, чет тилларини билмайдиган, бир ойлик даромади 4500 рубл атрофида бўлган 21-25 яшар аёл.

Шахс озодлигига қарши жиноятларга доир ишларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, жиноятдан жабрланганлар уларнинг ёшига қараб қуйидагича тақсимланади:

- 18 ёшга тўлмаганлар – 6,9%;
- 18-30 ёшлилар – 52,2%;
- 30-40 ёшлилар – 19,7%;
- 40-50 ёшлилар – 13,8%;
- 50 ёшдан ошганлар – 7,4%.

Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган тоифадаги ишлар бўйича жабрланганларнинг аксарияти 30 ёшга тўлмаган шахслардир. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, шахс озодлигига қарши жинойий қилмиш содир этганлар орасида энг кўп сонли шахслар улушини ҳам 30 ёшга тўлмаганлар тоифаси ҳосил қилади. Баъзан жиноятчи ва бўлажак жабрланувчи жиноят содир этилгунга қадар ўзаро таниш бўлганларини, айрим ҳолларда эса амалий муносабатлар билан боғланганларини ҳисобга олганда, шахс озодлигига қарши жиноятларга доир ишлар бўйича

жиноятчи ва жабрланувчи аксарият ҳолларда айни бир ижтимоий доирага мансуб ва бир хил ижтимоий мақомга эга, деган хулоса чиқариш мумкин.

Шахс озодлигига қарши жиноятларга доир ишлар бўйича жабрланувчилар криминологик тавсифининг таҳлили натижалари уларнинг жиноятдан жабрланиш хавфи айниқса кучли бўлган қуйидаги гуруҳларини фарқлаш имконини беради:

- 1) тадбиркорлик ва тижорат фаолияти билан шуғулланадиган 20-40 яшар эркаклар;
- 2) мазкур тадбиркорнинг қариндошлари ва яқин кишилари, шу жумладан унинг фарзандлари;
- 3) ўз квартирасида яшайдиган сўққабош пенсионерлар, ногиронлар ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган шахслар;
- 4) чет элга ишлаш учун чиқаётган, 25 ёшга тўлмаган аёллар.

### Иктибослар/Сноски/References:

1. Инсон ҳуқуқлари: Парламент аъзолари учун қўлланма. / Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007. – Б. 121, 202. (Human Rights: A Guide for Members of Parliament. / Editor-in-Chief: A.Kh. Saidov. – Tashkent: National Human Rights Center of the Republic of Uzbekistan, 2007. – P. 121, 202.)
2. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ: Дарслик. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 252. (Saidov A.Kh. International Human Rights Law: A Textbook. – Tashkent: Konsauditinform-Nashr, 2006. – P. 252.)
3. Снахова М.Р. Уголовно-правовая охрана личной свободы граждан. Дисс. ...канд. юрид. наук. – М., 2000. – С. 26. (Snakhova M.R. Criminal-legal protection of personal freedom of a citizen. Dissertation ... of Candidate of Legal Sciences. – Moscow, 2000. – P. 26)
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 38. (International treaties on human rights. – Tashkent: Adolat, 2004. – P. 38.)
5. Абдуллаев И.Б. Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари. // Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. / Таҳрир хайъати: И.Б.Абдуллаев, М.Ҳ.Рустамбоев, А.Ш.Рахмонов ва бошқ. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 5. (Abdullaev I.B. Constitutional guarantees of personal inviolability. // Constitutional guarantees of personal inviolability. Collection of materials of the scientific and practical conference. / Editorial board: I.B. Abdullaev, M.Kh. Rustamboev, A.Sh. Rakhmanov and others. - Tashkent: TDYuI, 2006. - Vol. 5.)
6. Анализ уголовно-правовых проблем похищения человека и его криминологическая характеристика в Северо-Кавказском регионе. Дисс... канд. юрид. наук. – Ставрополь, 2005. – С. 30. (Analysis of the criminal-legal problem of human personality and its criminological characteristics in the North Caucasus region. Diss... cand. walk science - Stavropol, 2005. - P. 30)
7. Нуркаева Т.Н. Уголовно-правовая охрана личных (гражданских) прав и свобод человека: вопросы теории и практики. Автореферат дисс. докт. экон. наук. - Москва, 2006 – С. 15. (Nurkaeva T.N. Coal-legal protection of personal (civil) rights and freedoms of a person: issues of theory and practice. Abstract of diss. Doctor of Economics - Moscow, 2006 - P. 15)
8. Дмитриев Д.Н. Криминологическая и уголовно-правовая характеристика незаконного лишения свободы. По материалам Восточно-Сибирского региона. Дисс... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2005. – С. 17-18. (Dmitriev D.N. Criminological and criminal-legal characteristics of illegal deprivation of liberty. Based on materials from the East Siberian region. Diss... Cand. of Law. – Irkutsk, 2005. – P. 17-18)
9. Буряк М.Ю. Торговля людьми и борьба с ней (криминологические и уголовно-правовые аспекты). Дисс... канд. юрид. наук. – Владивосток, 2005. – С. 70-72 (Buryak M.Yu.

- Human trafficking and the fight against it (Criminological and criminal-legal aspects). Diss...  
 cand. walk through science - Vladivostok, 2005. - pp. 70-72)
- 10.** Бауськов Д.Г. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика насильственного  
 хождения человека. Дисс... канд. юрид. наук. – М., 2003. – С. 30. (Bauskov D.G.  
 Criminal-legal and criminological characteristics of the violent murder of a person. Diss...  
 cand. walk science - M., 2003. - p. 30.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000